

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.FM/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**УТЕНИЯЗОВА АЙСАРА БЕГМУРАТОВНА**

**MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) КРИСТАЛЛАРИДА  
РАДИАЦИОН ҲОДИСАЛАР**

**01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)  
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
физико-математическим наукам**

**Content of the dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on  
physical and mathematical sciences**

Утениязова Айсара Бегмуратовна MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) кристалларида радиацион ходисалар.....	3
Утениязова Айсара Бегмуратовна Радиационные явления в кристаллах MeFX (Me-Sr, Ba; X- Cl, I).....	23
Uteniyazova Aysara Begmuratovna Radiation phenomena in MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) crystals.....	45
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	52

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ, АСТРОНОМИЯ ИНСТИТУТИ,  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.ФМ/Т.33.01 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЯДРО ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ**

**УТЕНИЯЗОВА АЙСАРА БЕГМУРАТОВНА**

**MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) КРИСТАЛЛАРИДА  
РАДИАЦИОН ҲОДИСАЛАР**

**01.04.07 – конденсирланган ҳолат физикаси**

**ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018**

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/FM119 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертацияси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.inp.uz](http://www.inp.uz)) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Нуритдинов Иззатилло,**  
физика-математика фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:** **Ибрагимова Эльвира Меметовна,**  
физика-математика фанлари доктори

**Рамазанов Асрор Хамраевич**  
физика-математика фанлари номзоди, доцент

**Етақчи ташкилот:** **Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат техника университети**

Диссертация химояси Ядро физикаси институти, Астрономия институти, Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/T.33.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, Ядро физикаси институти. Тел. (+99871) 289-31-18; факс (+99871) 289-36-65; e-mail: [info@inp.uz](mailto:info@inp.uz)).

Диссертация билан Ядро физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100214, Тошкент шаҳри, Улуғбек кўрғони, ЯФИ. Тел. (+99871) 289-31-19).

Диссертация автореферати 2018 йил « \_\_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2018 йил “ \_\_\_\_\_ ” \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**М. Ю. Ташметов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси ф.-м.ф.д., профессор

**Р. Ярмухамедов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби ф.-м.ф.д., профессор

**С.Н. Нуритдинов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси ўринбосари ф.-м.ф.д., профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда жаҳонда ядровий ва ионлаштирувчи нурларни қайд этувчи ва ўлчовчи турли детекторлар тайёрлашнинг фундаментал асосларини ишлаб чиқиш масалаларини ҳал қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ионлаштирувчи нурларни детектрлаш услублари орасида қайд қилишнинг юқори самарадорлиги, юқори даражада юклаш имконияти ва, мос равишда, вақт ва энергия бўйича юқори ажратиш қобилияти, шунингдек, фойдаланиш учун қулайлиги ва соддалиги каби бир қатор афзалликлари туфайли ионлаштирувчи нурларни қайд қилиш ва уларнинг спектрларини ўлчашнинг сцинтилляциявий услуби кенг ривож топган. Бу йўналишда ишқорий ер элементлари фторидлари асосидаги кристаллар ёрдамида детекторлар яратиш ва улардан фойдаланиш бўйича турли кириндилар билан активлаштирилган MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) тоифадаги кристалларда радиацион ҳодисаларни ўрганиш ўта муҳимдир.

Бугунги кунда жаҳонда детекторлар сифатида қўлланиладиган активлаштирилган MeFX кристаллар ионлаштирувчи нурлар, масалан, рентген нурлари, билан нурлантирилганда ютилган энергиянинг бир қисмини метастабил марказлар сифатида сақлайдилар. Бу марказларда ҳосил бўлган тасвир қоронғиликда ва хона ҳароратида узок вақт турғун қолади, бу эса тасвирни эслаб қолувчи рентген экранлари (imaging plate) яратишда муваффақият билан қўлланилади. Тиббиётда диагностика мақсадида эслаб қолувчи рентген экранларидан фойдаланиш беморларнинг нур юкламасини анчагина пасайтиришга олиб келади. Ушбу усулда олинган ахборотни (тасвирни) сақлаш ва уларни ўқиш борасида жиддий ютуқларга эришилган бўлсада, бу жараёнларнинг механизмлари ҳалигача тўлиқ ўрганилган эмас, бу эса ушбу тоифадаги люминофорларнинг самарадолигини оширишга тўсқинлик қилади. Масаланинг ечими ушбу тоифадаги кристалларда кечадиган радиация билан уйғотиладиган жараёнларнинг қонуниятларини мақсадга мувофиқ ўрганиш билан бевосита боғлиқ бўлиб, бу муаммо конденсирланган муҳит физикасининг долзарб масалаларидан биридир.

Мамлакатимизда илм-фан ривожига, жумладан ядровий ва ионлаштирувчи нурларни қайд этувчи ва ўлчовчи турли детекторлар тайёрлаш муаммоларини ҳал қилишга ҳамда фундаментал тадқиқотларни юқори халқаро даражада ташкил қилишга катта эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз илм-фан ривожига ҳамда фундаментал тадқиқот натижаларини ҳаётга татбиқ қилиш учун фундаментал тадқиқотларни муҳим йўналишлари Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йиллардаги Ҳаракатлар стратегиясига<sup>1</sup> киритилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича

<sup>1</sup> 2017 йил 07 февральдаги ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли “Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий ишларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш бўйича чора тадбирлар тўғрисида” ги Қарорлари, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларга мос келади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлиги» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг кўплаб илмий-тадқиқот марказларидаги таниқли олимлари, жумладан: америкалик (R.C. Baetzold, D.J. Singh, A.L. Ruoff), япониялик (K. Takahashi, K. Kohida, K. Inabe, S. Nakamura, A. Ohnishi), германиялик (E. Niclas, F. Fischer, S. Assmann, S. Schweizer), франциялик (E. Decremps, M. Gauthier), швейцариялик (B.W. Liebich, D. Nicollin), ҳиндистонлик (K. Somaiah, V. Hari Babu, G. Gundiah, S.V. Upadeo, G. Kalapana), хитойлик (M.Z. Su, X.P. Sun, W. Chen), россиялик (А.А. Шалаев, Е.А. Раджабов, Р. Шендрик), исроиллик (N. Kristianpoller, A. Shmilevich), ўзбекистонлик (И. Нуритдинов, Б.Т. Аташов) ва бошқа олимлар томонидан MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) тоифасидаги кристалларнинг синтези, кристалл ва электрон структуралари, материалларнинг спектроскопик хусусиятлари ва уларда бўладиган радиациявий жараёнлар ўрганилган.

Бу тадқиқотлар натижасида кристаллар структурасида икки турдаги анион тугунлари мавжудлиги, шу тугунли кристаллар нурлантирилганда икки турдаги анион вакансиялар ( $\alpha(F^-)$ - ва  $\alpha(X^-)$ - марказлар), икки турдаги F-марказлар ( $F(F^-)$ - ва  $F(X^-)$ - марказлар) ҳосил бўлиши аниқланган. MeFX тоифасидаги кристаллар орасида радиациявий нуқсонларнинг хусусиятлари BaFCl кристалларида нисбатан тўлароқ ўрганилган. Рентген тасвирини сақлаш ҳодисаси радиациявий нуқсонларнинг ҳосил бўлиши ва бир-бирларига айланиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланган. Аммо нуқсонларнинг табиати, нуқсонлар ҳосил бўлиши ва рентген тасвирини сақлаш ҳодисаларининг механизмлари шу тоифадаги бошқа кристаллар, айниқса ушбу мақсадлар учун истиқболли бўлган SrFCl ва BaFI учун етарлича тўлиқ ўрганилмаган.

MeFX тоифасидаги кристалларнинг амалда қўлланилиши  $Eu^{2+}$ ,  $Sm^{2+}$  ва  $Ce^{3+}$  ионлари билан активлаштирилган материалларнинг рекомбинациявий люминесценцияси хусусиятларига асосланган. Юқоридаги активаторларнинг ультрабинафша ва кўриш соҳасидаги нурлар билан уйғотишда содир бўладиган электрон ўтишлари бу тоифа кристаллари учун бир қадар батафсил ўрганилган бўлсада, рекомбинациявий люминесценцияни, айниқса фотостимуллашган люминесценцияни (ФСЛ) уйғотиш механизмлари етарлича тўлиқ ўрганилмаган, олинган мавжуд маълумотлар эса ҳаммиша ҳам бир-бирига мос келмайди.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Ядро физикаси институтида қуйидаги илмий-тадқиқот лойиҳалари доирасида бажарилган: Ф2-ФА-Ф118 «Ионлаштирувчи нурлар детекторлари сифатида қўлланиладиган оксид ва фторид кристалларидаги радиация билан уйғотилган ҳодисаларнинг қонуниятлари» (2012–2016); ОТ-Ф2-23 «Кенг зонали оксид ва фторид каттик жисм материалларда генерациявий ва рекомбинациявий жараёнларнинг ўзига хос хусусиятлари» (2017–2020).

**Тадқиқотнинг мақсади** легирланмаган ҳамда Eu, Ce, W ва Tl киридилари билан легирланган MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) тоифадаги кристалларни ионлаштирувчи нурлар билан нурлантириш жараёнида кечадиган радиация билан уйғотилган ҳодисаларнинг қонуниятларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

радиация билан вужудга келадиган марказлар пайдо бўлишининг дозага боғлиқлигини ўрганиш;

радиациявий марказларнинг ҳарорат ва ёруғлик таъсирига турғунлик даражасини аниқлаш;

радиациявий нуқсонларнинг ҳарорат ва ёруғлик таъсирида бир-бирига айланиш ва йўқолиш қонуниятларини топиш;

легиранмаган ва легиранган кристалларда фото-, термо-, рентген-, гамма- ва катод люминесценциялари механизмларини аниқлаш;

радиациявий нуқсонларни идентификация қилиш;

киридиларнинг кристаллардаги радиациявий жараёнларга таъсир кўрсатиш механизмларини аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида легирланмаган ва легиранган MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) кристаллар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** легирланмаган ва легиранган MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) кристалларида радиация билан уйғотилган ҳодисаларни ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Оптик ютилиш ва кристалларнинг фотолюминесценцияси спектрлари «Карл-Цейсс» фирмасининг Specord UV-VIS (Германия), «Perkin Elmer» фирмасининг LAMBDA 35 (АҚШ), «Хитачи» фирмасининг MPF-2A (Япония) спектрофлюориметрларида ўрганилди; намуналарнинг рентгено- ва гаммалюминесценция спектрлари МСД-2 монохроматори асосида йиғилган қурилмада олинди; РУП-120 қурилмаси (120кВ, 5мА) рентген нурлари манбаси бўлиб хизмат қилди, гаммалюминесценция олиш учун  $^{60}\text{Co}$  манбаининг гамма-нурлари ишлатилди; катодлюминесценция спектрларини ўлчаш телевизорнинг электрон-нурли трубкаси асосида ишланган қурилмада амалга оширилди; нурланган намуналарнинг сўнги нурланишининг (послесвечение) емирилиш кинетикаси айланувчи дисклар методи билан аниқланди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

BaF<sub>2</sub> кристаллари учун биринчи марта максимуми 300–340 нмда бўлган рекомбинациявий люминесценция ( $V_k+e^-$ ) кўринишидаги автолокаллашган

экситонлар (АЛЭ) билан боғлиқ эканлиги исботланган, АЛЭларнинг харакатчанлик активация энергияси аниқланган;

SrFCl ва BaFCl кристалларини ионлаштирувчи гамма нурлар билан нурлантирганда радиацион нуқсонлар ҳосил бўлиши, уларнинг доза ортиб бориши билан икки босқичда амалга оширилиши аниқланган;

BaFCl ва SrFCl кристалларида  $\gamma$ - нурлари билан нурлантириш жараёнида ҳосил бўладиган  $\alpha(F^-)$ -,  $\alpha(X^-)$ -,  $F(F^-)$ -,  $F(X^-)$ -,  $F_i^0$ -,  $X_i^0$ - типдаги нуқсон марказлари ютилиш полосаларининг табиати идентификация қилинган;

MeFX тоифасидаги кристаллар учун кристалл ячейкалари параметрларининг катталашуви билан уларнинг радиация таъсирига турғунлиги камайиб бориши аниқланган;

спектроскопик тадқиқотлар ёрдамида активаторларнинг MeFX кристаллари структурасига фақат биргина кристаллографик ҳолатда кириши, бунда Eu ионлари икки валентли ҳолатда, Ce киридилари эса уч валентли ҳолатда кириши кўрсатилган;

BaFCl кристалл тизимига Tl кириндиси киритилганда оптик ютилиш спектрида  $Tl^{2+}$  ионларининг ютиши билан боғлиқ бўлган 210, 240 и 290 нм максимумларида жойлашган полосалар вужудга келиши аниқланган;

легирилган MeFX тоифасидаги кристаллар учун электромагнит нурлар (гамма ва рентген нурлари) ҳамда зарядланган заррачалар (электронлар) таъсирида хусусий структуравий нуқсонлар ва активатор марказларида уйғотиладиган рекомбинациявий люминесценцияларнинг механизмлари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

MeFX тоифасидаги SrFCl, BaFCl ва BaFCl кристалларидаги турли радиация таъсирида пайдо бўладиган структуравий нуқсонлар идентификациялаштирилган ва уларнинг спектрал намоён бўлиш соҳалари, термик стабиллик соҳаси аниқланган;

MeFX тоифасидаги кристалларда радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлиш ва уларнинг бир-бирларига айланиш қонуниятлари аниқланган;

легирловчи киридиларнинг радиация билан уйғотилган жараёнларга таъсир этиш қонуниятлари аниқланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** вазифаларнинг тўғри қўйилганлиги ва физикавий жиҳатдан асосланганлиги, кенг зонали оптикавий материалларни тадқиқ этишнинг яхши синовдан ўтган замонавий абсорбциявий, люминесценциявий, термо- ва фотоактивациявий услублардан фойдаланилгани, катта ҳажмдаги тажрибавий натижалар олинганлиги ва уларнинг конденсирланган ҳолат физикасининг фундаментал қонунлари ва асосий қоидаларига мос келиши, олинган натижаларнинг бошқа муаллифлар томонидан олинган натижалар ва хулосаларга зид келмаслиги билан таъминланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти шундаки, улар MeFX тоифасидаги кристаллардаги хусусий ва бир қанча киринди нуқсон марказларининг спектрал хусусиятлари ва идентификацияси ҳақида янги маълумотлар олиш



имконини беради, бу эса ушбу тоифадаги кристалларда радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишининг ва радиация билан уйғотиладиган жараёнлар қонуниятларининг тўлароқ манзарасини тавсифлаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** шундаки, улар MeFX тоифасидаги кристалларнинг радиация таъсирига чидамлилигини яхшилаш ва бу материаллар асосида тайёрланган ашёларнинг хусусиятларини мақсадга мувофиқ бошқариш имкониятини беради.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** MeFX (Me-Sr, Ba; X-Cl, I) кристалларида кечадиган радиацион жараёнларни аниқлаш асосида:

SrFCI ва BaFI кристалларида радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишининг икки босқичда амалга оширилиши, бунда биринчи босқич кристаллар структурасида мавжуд бўлган нуқсонларда заряд қамраб олиниши билан, иккинчи босқич эса автолокаллашган экситонларнинг нурланишсиз емирилиши натижасида янги радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлиши билан боғлиқ эканлигининг кўрсатилиши ОТ-Ф2-081 рақамли “Таркибида киришма-нуқсонли ассоциатлар бўлган кремний монокристалларидаги нуқсонларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ва яримўтказгич-диэлектрик беркитилган бўлиниш чегарасида ҳосил бўладиган динамик жараёнларни ўрганиш” (2007-2011) фундаментал лойиҳасида назарий ва амалий натижаларни тавсифлашда қўлланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июнда берилган 89-03-2223-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши кремнийли яримўтказгич структураларда нуқсонлар ҳосил бўлиши механизмларини аниқлаш имконини берган;

BaFCI ва BaFI кристалларида автолокаллашган экситонларнинг активация энергиясини ҳисоблаш учун қўлланилган усул ОТ-Ф2-081 рақамли “Таркибида киришма-нуқсонли ассоциатлар бўлган кремний монокристалларидаги нуқсонларнинг ҳосил бўлиш қонуниятларини ва яримўтказгич-диэлектрик беркитилган бўлиниш чегарасида ҳосил бўладиган динамик жараёнларни ўрганиш” (2007-2011) фундаментал лойиҳасида кремнийли структуралардаги радиацион нуқсонларнинг термик куйдириш жараёнидаги активация энергиясини ҳисоблаш учун татбиқ этилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 6 июнда берилган 89-03-2223-сонли маълумотномаси). Илмий натижаларининг қўлланилиши яримўтказгичли кристаллардаги радиацион нуқсонларнинг бир-бирига айланиши ва радиация таъсирида рўй берадиган фотоэлектрик ҳодисаларни ўрганиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 3 та Халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси доирасида жами 13 та илмий иш нашр қилинган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5та мақола, шулардан 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 121 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги асосланган, бу йўналишдаги тадқиқотларнинг ҳозирги ахволи баён этилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, олинган натижаларнинг янгилиги ва амалий аҳамияти аниқланган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“MeFX тоифасидаги кристалларнинг кристалл ва электрон структураси”** деб номланган биринчи бобида адабиётларда эълон қилинган натижалар шарҳи баён қилинган бўлиб, унда MeFX тоифдаги кристалларнинг кристалл тузилиши ва зонавий структураси, шунингдек легирланмаган ва Tl, W, Eu, Ce киридилари билан легирланган кристалларнинг спектрал ва радиация билан уйғотиладиган хусусиятларини тадқиқ этиш натижалари келтирилган. Шунингдек, кристалларининг рентген қурилмалари экрани сифатида қўлланилишига оид маълумотлар ҳам баён қилинган. Адабиётларда эълон қилинган ишлар таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари аниқланган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектлари ва тажриба услублари”** деб номланган иккинчи боб тадқиқот объектларини олиш технологиясига, шунингдек тажрибалар услуби ва техникаси баёнига бағишланган. Ўрганилган номинал тоза ва Tl, W, Eu, Ce киридилари билан легирланган MeFX кристаллари ВНИСИМСда (Александров ш., Россия) гидротермаль усул билан 20% ли КОН эритмасида синтез қилинган. Шихта сифатида “Ч” маркали SrF<sub>2</sub>, BaF<sub>2</sub> ва BaI<sub>2</sub> дан фойдаланилган. Автоклавдаги босим 300 атм ни ташкил қилган. Эриш ҳарорати 563 К, кристалланиш ҳарорати 483 К. Киридиларнинг шихтадаги концентрацияси 0,02–5 моль % ни ташкил қилади.

Оптик ютилиш спектрларини ўлчаш учун намуналардан қалинлиги 0,4–2,4 мм бўлган пластинкалар ажратиб олинди. Оптик ютилиш спектрлари хона ҳароратида «Карл-Цейсс» (Германия) фирмасининг Specord-M40 ва Specord UV-VIS спектрофотометрларида ёзиб олинди.

Кристалларнинг фотолюминесценцияси хона ҳароратида «Хитачи» (Япония) фирмасининг MPF-2A спектрофлюориметрида, рентген люминесценция спектрлари 77–480 К ҳарорат оралиғида МСД-2 монохроматори асосида йиғилган ускунада, катод люминесценцияси спектрлари эса хона ҳароратида телевизорнинг электрон нурли трубкаси асосида (трубкадаги кучланиш 30 кВгача, ток 3 мАгача) ишланган махсус ускунада ўлчанди. Люминесценция 200–800 нм оралиғида монохроматорнинг чиқишида ФЭУ-39 фотоқўпайтиргичи орқали қайд қилинди. Рентген нурлари манбаи сифатида РУП-120 (120кВ, 5мА) ускунаси


ишлатилди. Гаммалюминесценция 77–300 К ҳарорат оралиғида асосий элементи МСД-1 монохроматори бўлган ускунада текширилди. Нур ўтказгич юқори қайтариш коэффициентига (90%) эга бўлган алюминий трубкадан ясалди. Нур ўтказгичнинг охирига намуналарни ушлаб турувчи мослама маҳкамланиб, паст ҳароратдаги ўлчашларда у намуна билан бирга Дьюар идишига жойлаштирилиб, 77 К гача совутилди. Кристалларнинг термолюминесценцияси 77–480 К ҳароратлар оралиғида ҳароратни ўлчаш учун термопара билан таъминланган махсус печ ёрдамида ўрганилди. Қиздириш тезлиги 6–7 град/мин ни ташкил этди. Нурлантирилган намуналарнинг нурланишдан кейинги люминесценция (послесвечение) кинетикаси айланувчи дисклар усули билан аниқланди.

Намуналар ЎзР ФА Ядро физикаси институтининг  $^{60}\text{Co}$  манбали гамма-қурилмасида қуввати 200–1200 Р/с бўлган  $\gamma$ - нурлари билан  $10^5$ – $10^{10}$  рад доза оралиғида нурлантирилди. Кристаллар суюқ азот ҳароратида (77 К) шиша Дьюар идишида ёки пенопласт стаканларда, каналлар ҳароратида (300–320 К) эса алюминий фольга ичида нурлантирилди.


Нурлантирилган намуналарни ёўғлик нури билан рангсизлантириш (ЁНБР) жараёнида объектлардаги бўялиш марказларининг емирилиши ёки бир ҳолатдан бошқасига ўтиши ўрганилди. ЁНБР ютилиш марказларининг ютилиш соҳаларида симоб лампаси воситасида УФС-1, СС-9, ЖС-12, ОС-11, КС-13 ёруғлик филтрлари ёрдамида ажратилган ёруғлик нури билан таъсир этиш орқали амалга оширилди.

$\gamma$ - нурлари билан нурлантирилган намуналарнинг термик рангсизланиши махсус печда намуналарни 600 К гача ҳар эллик градусда зинасимон қиздириш орқали амалга оширилди. Бунда намуна маълум бир белгиланган ҳарорат 10 минут давомида ушланиб, кейин секинлик билан хона ҳароратигача совутилди ва шундан сўнг оптикавий ютилиш спектри хона ҳароратида ўлчанди.

Диссертациянинг **“Легирланмаган MeFХ кристалларида радиациявий нуқсонлар”** деб номланган учинчи бобида легирланмаган MeFХ кристалларидаги асосий радиациявий нуқсонларни ўрганиш натижалари келтирилган. Ўрганилган ҳамма кристалларда  $\gamma$ - нурлари таъсирида радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлади. 1 ва 2 расмларда ВаFI ва SrFCl кристаллари учун хос бўлган структуравий нуқсонларнинг ютилиш спектрлари кўрсатилган.




1-расм. Дастлабки (1) ва гамма нурлари билан  $10^6$  рад (2),  $10^7$  рад (3), и  $10^8$  рад (4) дозада нурлантирилган ВаFІ кристалларининг оптик ютилиш спектрлари




2-расм. Дастлабки ҳамда  $10^5$ ,  $10^6$ ,  $10^7$ ,  $10^8$  ва  $5 \times 10^8$  Рад (1),  $10^9$  Рад (2) ва  $10^{10}$  Рад (3)  $\gamma$ -нурлари билан нурлантирилган SrFCl кристалларининг оптик ютилиш спектрлари

Кристалларда икки турдаги  $\alpha$ - марказлар, икки турдаги F- марказлар, икки турдаги H- марказлар ва икки турдаги I- марказлар пайдо бўлади. Бу ҳолат ушбу тоифадаги кристаллар структурасида бир-бирдан фарқ қилувчи икки турдаги анион вакансиялари мавжуд эканлиги билан боғлиқ (3-расм).



3-расм. MeFX бирикмалари учун элементар ячейка

Нурланиш дозаси ошиб бориши билан кристалларда радиациявий нуқсонлар тўпланиши икки босқичда амалга ошади (4-расм).




**4-расм. ВаF1 кристалларидаги 205 нм (1), 480 нм (2), 270 нм (3), 370 нм (4) ва 610 нм (5) да бўлган ютилиш полосалари оптик зичликларининг дозага боғлиқ ўзгариши**


Биринчи босқич кристалларда нурланишгача мавжуд бўлган нуқсонларда зарядларнинг қамралиши билан характерланади. Бу босқичда  $\gamma$ -нурлари таъсирида ҳосил бўлган эркин электронлар кристаллар ўсишида ҳосил бўлган анион вакансияларида қамралади ва уларни F- марказларга айлантиради. Биринчи босқичда ҳосил бўлувчи F- марказларнинг ғовакли шериклари охиригача аниқланган эмас. Гарчи ҳамма намуналарда нурлантиришгача  $\alpha$ - марказлар мавжуд бўлсада, SrFCl кристалларида нуқсонлар тўпланишининг биринчи босқичи кузатилмайди (2-расм). Ушбу фактдан  $\alpha$ - марказларнинг мавжудлиги уларнинг F- марказларга айланиши учун етарли эмас, деган хулосага келинган. Бунинг учун ғоваклар қамраладиган нуқсонлар бўлиши зарур. SrFCl кристалларидан фарқли равишда ВаFCl и ВаF1 кристалларида нурлантиришгача маълум бир (эхтимол, киринди) нуқсонлари мавжуд бўлиб, кристалларни ионлаштирувчи нурлар билан нурлантириш жараёнида уларда ғоваклар қамралади, деб тахмин қиламиз.

Иккинчи босқичда радиациявий нуқсонлар автолокаллашган экситонларнинг нурланишсиз емирилиши билан ҳосил бўлади. Бунда F- ва  $\alpha$ -марказлар билан бир қаторда уларнинг генетик боғланиш жуфтлари – H- ва I-марказлар ҳам ҳосил бўлади.

Полосалар интенсивлигининг дозага (2- ва 4 расмлар) ва ҳароратга (5-расм) боғлиқ ўзгаришини, шунингдек, бўялиш марказлари ютилиш полосалари максимумида ёруғлик билан таъсир этишда полосалар интенсивлиги ўзгаришларни ўрганиш (6-расм) услубидан фойдаланиб, нурлантирилган ВаF1 кристалларидаги максимуми 205 нмда бўлган полоса  $\alpha(F^-)$  - марказлар билан, 230 нмдаги полоса  $\alpha(\Gamma^-)$ - марказлар билан, 270 нмдаги полоса  $F_i^0$ - марказлар билан, 370 нмдаги полоса  $I_i^0$ - марказлар билан, 470 ва 485 нмларда жойлашган дублет полоса F(F<sup>-</sup>)- марказлар билан ва 610 нмдаги полоса F( $\Gamma^-$ )- марказлар билан боғлиқ эканлиги курсатилди (1-жадвал).



5-расм. ВаFІ кристалларини  $\gamma$ - нурлари билан  $10^8$  рад дозада нурлантирганда ҳосил бўладиган полосалар нормаланган интенсивликларининг қиздириш температурасига боғлиқ ўзгаришлари: 610 нм (1); 480 нм (2); 230 нм (3); 205 нм (4); 370 нм (5); 270 нм (6) даги полосалар учун



6-расм. ВаFІ кристалларини  $\gamma$ - нурлари билан  $10^8$  рад дозада нурлантирилганда ҳосил бўладиган полосалар нормаланган интенсивликларининг  $\lambda > 620$  нм ёруғлик нури билан таъсир этиш вақтига боғлиқ ўзгаришлари: 205 нмдаги (1); 230 нмдаги (2); 270 нмдаги (3); 480 нм даги(4);370 нмдаги (5) ва 610 нмдаги (6) полосалар учун

### 1 жадвал

#### MeFX кристалларидаги радиациявий нуқсонларнинг ютилиш полосалари максимумлари, нм ларда

MeFX	$\alpha(F^-)$	$\alpha(Cl^-)$	$\alpha(\Gamma^-)$	F(F <sup>-</sup> )	F(Cl <sup>-</sup> )	F( $\Gamma^-$ )	F <sub>i</sub> <sup>o</sup>	Cl <sub>i</sub> <sup>o</sup>	I <sub>i</sub> <sup>o</sup>
SrFCl	208	~208		370	450		265	330	
BaFCl [Аташов бўйича]	205	~205		450	570		240	335	
BaFI	205		230	480		610	270		370

Шундай услублар билан SrFCl кристалларида 208 нмдаги полоса  $\alpha(F^-)$ -марказларнинг, 265 нмдаги полоса F<sub>i</sub><sup>o</sup>- марказларнинг, 330 нмдаги полоса Cl<sub>i</sub><sup>o</sup> – марказларнинг, 370 нмдаги полоса F(F<sup>-</sup>) -марказларнинг, 450 нмдаги полоса F(Cl<sup>-</sup>) -марказларнинг ютилиши билан алоқадорлиги аниқланди. SrFCl

кристалларидаги 610 ва 750 нмдаги полосаларнинг табиати охиригача аниқланмади, бу полосаларнинг мураккаброқ  $M(F^-)$  - ва  $M(Cl^-)$  -марказлар (электрон қамралган фтор ва хлор дивакансиялари) билан алоқадор эканлиги тахмин қилинди).

Аввал куйидаги ишда [Нуриддинов И., Аташов Б.Т., Ким Ген Чан. Радиационное дефектообразование в кристаллах BaFCl. // Узбекский физический журнал. 1999. Т.1. № 4. С 283–288.] BaFCl кристалларида  $F(Cl^-)$ -марказлар 570 нм даги полоса билан,  $F(F^-)$ - марказлар 450 нм даги полоса билан,  $\alpha(F^-)$ - ва  $\alpha(Cl^-)$ - марказлар 205 нм даги полоса билан,  $F_i^\circ$  - ва  $Cl_i^\circ$  – марказлар мос равишда 240 ва 335нм даги полосалар билан характерланиши кўрсатилган эди (1-жадвал).

Структуравий нуқсонларнинг радиация таъсирида вужудга келишининг бошланиш дозаси сифатида аниқланган кристалларнинг радиация таъсирига турғунлигининг чегаравий дозаси аниқланди, у MeFX тоифасидаги кристалларнинг панжара доимийси катталаниши билан камайиши аниқланди. MeFX тоифасидаги кристаллар орасида радиация таъсирига энг турғуни SrFCl бўлиб, унда радиациявий нуқсонлар  $\gamma$ - нурлантиришнинг  $5 \times 10^8$  рад дозасидан сўнг бошланади. Турғунлик бўйича ундан кейинги ўринда BaFCl кристаллари бўлиб, уларда нуқсонларнинг радиация таъсирида барпо этилиши  $10^7$  рад дозадан кузатила бошлайди. Радиациявий нуқсонлар BaFI кристалларида  $5 \times 10^6$  раддан бошлаб пайдо бўлади (2-жадвал).

## 2-жадвал

### MeFX тоифасидаги кристалларнинг элементар ячейкаси параметрлари ва радиацияга турғунлигининг чегаравий дозаси


Кристаллар, MeFX	Элементар ячейка параметрлари		Радиацияга турғунлигининг чегаравий дозаси, Рад
	a, Å	c, Å	
SrFCl	4.126	6.958	$5 \times 10^8$
BaFCl	4.394	7.225	$10^7$ [Аташов бўйича]
BaFI	4.654	7.962	$5 \times 10^6$

Диссертациянинг “Кириндиларнинг BaFI кристалларидаги радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишига ва нуқсонларнинг бир-бирига айланишига таъсири” деб номланган тўртинчи бобида BaFI кристалларига киритилган Eu, W ва Ti кириндиларнинг радиациявий нуқсон марказлари ҳосил бўлишига, ҳамда нуқсонларнинг ҳарорат ва ёруғлик таъсирига турғунлигига таъсирини ўрганиш натижалари баён қилинади.

MeFX кристалларини Eu ва W кириндилари билан легирлаш нурлантиришгача ҳам, турли дозаларда  $\gamma$ - нурлари билан нурлантиригандан кейин ҳам оптик ютилиш спектрларини легирланмаган кристалларга нисбатан сезиларли ўзгаришларига олиб келмаслиги кўрсатилди. BaFI кристалларининг оптик ютилиш спектрларида Eu ва W кириндилари билан

легирланган, ҳам легирланмаган кристалларда нурланишдан сўнг максимумлари 205, 230, 270, 370, 480 ва 610 нм да жойлашган,  $\alpha(F^-)$ -,  $\alpha(\Gamma^-)$ -,  $F_i^0$ -,  $I_i^0$ -,  $F(F^-)$ -,  $F(\Gamma^-)$ - марказлар билан боғлиқ ва интенсивликлари бир-бирига яқин бўлган полосалар пайдо бўлади. Бу ҳолат  $Eu$  ва  $W$  киридилари  $\gamma$ -нурлари билан нурлантирилганда ўзларининг заряд ҳолатларини ўзгартирмасликлари ва кристалларда радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишида бевосита иштирок этмасликлари ҳақида гувоҳлик беради. Ушбу киридилар радиациявий нуқсонларнинг ҳарорат ёки ёруғлик нури таъсирига турғунлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатмайди.

$BaF_2$  кристали структурасига таллий киридисининг киритилиши эса оптик ютилиш спектрида  $Tl^{2+}$  ионлари билан боғлиқ максимумлари 210, 240 ва 290 нм даги полосаларнинг пайдо бўлишига олиб келади (7-расм, 1-эгри чизиқ). Нурланиш таъсирида  $Tl^{2+}$  ионлари электронларни камраб,  $Tl^+$  ҳолатига ўтади ва 208 и 390 нмдаги полосаларнинг пайдо бўлишига олиб келади (7-расм, 2-эгри чизиқ). Легирланмаган кристалларда радиациявий нуқсонлар ҳосил бўлишининг биринчи босқичида ( $5 \times 10^6$  радгача)  $BaF_2:Tl$  кристалларида электронлар асосан  $Tl^{2+}$  ионларида қамралади, бу эса  $Tl^+$  ионлари билан боғлиқ 208 нмдаги полоса интенсивлигининг ошишига олиб келади.  $BaF_2:Tl$  кристаллида  $\alpha(F^-)$ - марказлар ва  $Tl^{2+}$  ионлари ўртасида электрон қамраш учун рақобат вужудга келади.  $Tl^{2+}$  ионларида электронлар қамраш кўндаланг кесими  $\alpha(F^-)$ - марказлардагига нисбатан анчагина катта бўлганлиги сабабли электронлар асосан  $Tl^{2+}$  ионларида қамралади. Шу сабабли 205 нм даги ютиш полосаси интенсивлигининг камайиши ва  $F(F^-)$ -полосаси интенсивлигининг ошиши рўй бермайди ва 210 нм даги полоса интенсивлигининг ошиши кузатилади.



**7-расм. Нурлантирилмаган (1) ва  $\gamma$ -нурлари билан  $4,8 \times 10^8$  рад дозада нурлантирилган (2)  $BaF_2:Tl$  кристалларининг оптик ютилиш спектрлари**

Нуқсонлар ҳосил бўлишининг иккинчи босқичида ( $D > 10^7$  рад) электрон уйғонишларнинг нурланишсиз емирилиши туфайли, ҳам легирланган, ҳам легирланмаган кристалларда  $\alpha(F^-)$  -  $I(F^-)$  жуфтлари ҳосил бўлади. Бир хил дозада ( $10^8$  рад) нурлантирилганда кристалл структурасига  $Tl^{2+}$  киридисини киритилиши лигерланмаган кристалларга нисбатан  $F(F^-)$ - марказлар ютилиш полосаси интенсивлигини 9 марта,  $F(\Gamma^-)$ - марказлар полосаси интенсивлигини




4 марта камайишига олиб келади. Чунки камраш кўндаланг кесими катта бўлганлиги сабабли электронлар асосан  $Tl^{2+}$  ионларида камралиб, уларни  $Tl^{+}$  ҳолатига ўтказди ва жуда кам миқдордаги электронлар  $\alpha(F^-)$ - марказларда камралиб,  $F(F^-)$ - марказлар ҳосил қилади. Аммо ҳар иккала намунада ҳам ғоваклар бир хил эҳтимоллик билан  $I(F^-)$ - марказларда камралиб, 270 нм соҳада ёруғликни ютувчи  $F_i^0$ - марказларни ҳосил қилади, шу сабабли ҳар иккала намунада ҳам интенсивлиги бир-бирига яқин бўлган 270 нм даги полоса ҳосил бўлади (1- ва 7- расмларга қаранг).

$Tl^{2+}$  кириндисининг киритилиши, шунингдек, радиациявий нуқсон марказларнинг ҳароратга ва фототаъсирга турғунлигига ҳам сезиларли таъсир кўрсатади. Бу ҳодиса киринди марказларда катта миқдордаги зарядларнинг қамраб олиниши ва хусусий радиациявий марказларга нисбатан бу марказларда зарядларни озод қилиш энергиясининг қиймати фарқ қилиши билан тушунтирилади.


Диссертациянинг **“ВаFCl ва ВаFI кристалларининг люминесценциявий хоссалари”** деб номланган бешинчи бобда легирланмаган ва легирланган ВаFCl ва ВаFI кристалларининг хусусий ва активатор билан боғлиқ люминесценция хусусиятларини таққослаш асосидаги тадқиқотлар натижалари келтирилган. Бунда ВаFI кристаллари учун максимуми 300–340 нмда, ва ВаFCl кристаллари учун максимуми 360–365 нмда бўлган люминесценция полосалари ( $V_k+e^-$ ) кўринишидаги АЛЭларнинг нур чиқариши билан боғлиқ эканлиги аниқланди (8-расм). АЛЭлар ҳаракатланишининг активация энергияси топилди: улар ВаFCl учун  $E_T=0.24$  эВ ва ВаFI учун  $E_T=0.20$  эВ бўлиб, АЛЭлар люминесценциясининг сўниши активация энергиясига мос келади.

ВаFCl ва ВаFI кристалларида F- ва V- марказлар типидagi радиациявий нуқсонларнинг самарали ҳосил бўлишига мос келувчи  $\gamma$ - нурлар билан нурлантириш дозаларида ( $D_\gamma > 5 \times 10^6 - 10^7$  рад) ҳам АЛЭнинг, ҳам киритилган активаторларнинг люминесценцияси интенсивлигининг кучли камайиши активаторлар люминесценциясининг АЛЭдан активаторларга энергия узатилиши йўли билан уйғотилишидан далолат беради.



**8-расм. Легирланмаган ВаFCl (1) ва ВаFI (2) кристалларининг 300 К ҳароратдаги РЛ спектрлари**

АЛЭ ва активаторлар люминесценцияси интенсивлигининг дозага боғлиқ ўзгаришлари (9-расм) кристаллардаги радиациявий структуравий нуқсонлар сонининг дозага боғлиқ ўзгаришларига (3- расмга қаранг) тескари пропорционаллиги факти АЛЭларнинг нурланишсиз структуравий нуқсонларга емирилишини кўрсатади.



**9 -расм. Легирланмаган ВаFCl (1, 2) ва ВаFI (1', 2') кристалларида максимумлари 360–365 нм (1), 300–340 нм (1'), 700–770 нм (2) ва 640–700 нмда (2') бўлган РЛ люминесценция полосалари интенсивликларининг ҳароратга боғлиқ ўзгаришлари**

MeFX кристаллари структурасига Eu кириндиси киритилганида активатор люминесценцияси битта элементар симметрик полосадан ташкил топади. Масалан, ВаFCl кристаллари люминесценция спектрларида максимуми ~ 395 нмда ва ярим кенглиги 20 нм бўлган, ВаFI кристаллари спектрида эса максимуми ~ 390 нмда ва ярим кенглиги 20 нм бўлган люминесценция кузатилади. Люминесценция  $\text{Eu}^{2+}$  ионларининг  $4f^65d^1 \rightarrow 4f^7$  ( $^8S_{7/2}$ ) электрон ўтишлари билан боғлиқ. Кристалларга Се кириндиси киритилганида эса люминесценция спектрларида ВаFCl кристаллари учун максимумлари 310 и 325 нмда, ВаFI кристаллари учун 305 и 320 нмда бўлган дублет полосалар қайд этилади. Люминесценция  $\text{Ce}^{3+}$  ионларининг  $5d \rightarrow 4f(^2F_{7/2})$ - и  $5d \rightarrow 4f(^2F_{5/2})$  ўтишлари билан боғлиқ. Иккала кристаллар учун ҳам полосаларнинг ярим кенглиги ~55 нмни ташкил этади. Полосаларнинг максимумларининг спектрдаги ўрни ва яримкенгликлари киридилар концентрациялари ва нурлантириш дозаси ўзгариши билан ўзгаришсиз қолади. Бу натижалар MeFX кристаллар панжараларида активаторларнинг биргина кристаллографик ўрни мавжудлигини кўрсатади.

Киридилар билан активлаштирилган кристаллар  $\gamma$ - ёки рентген нурлари билан уйғотилганда АЛЭлар люминесценцияси камаяди, киридиларнинг маълум концентрациясида эса люминесценция бутунлай йўқолади. Спектрларда киридилар билан боғлиқ ҳаракатчан АЛЭ энергиясининг ушбу киридиларга узатилиши билан боғлиқ нисбатан интенсив люминесценция полосалари пайдо бўлади. Бундан фарқли ҳолда, легирланган кристалларнинг КЛ(катодолюминесценция) спектрларида активатор люминесценцияси интенсивлиги кучли камаяди ва нисбатан интенсивлиги катта АЛЭ люминесценцияси кўрилади. Кузатилган ҳодиса электромагнит

нурлар (рентген ёки гамма нурлари) ва зарядланган зарралар (электронлар)нинг моддалар билан ўзаро таъсир механизмларининг турлича эканлиги билан тушунтирилади.

Намуналарни электронлар билан нурлантиришда асосан модда атомларининг (ёки ионларининг) ионлашуви ва электронларининг уйғотилиши содир бўлади, бу жараёнда тушувчи электронлар энергиясининг йўқотилиши вужудга келади. Модда атомларидаги электронлар билан ўзаро Кулон таъсирда тушувчи электронларнинг энергияси камаяди ва “эркин югириш йўли” деб аталувчи  $R_{max}$  масофани босиб ўтгач, электронлар тўхайди. Одатда тажрибаларда КЛ уйғотиш учун қўлланиладиган  $kэВ$  энергияли электронлар учун турли моддаларда  $R_{max}$ нинг қиймати бир неча микрондан ортмайди.


Агар кристалларнинг  $V$  ҳажмида икки турдаги бир-бири билан таъсирлашмайдиган ҳар хил люминесценция марказлари мавжуд бўлса, люминесценция интенсивлиги қуйидаги ифода билан аниқланади:

$$I = \tau_{1uzl}^{-1} N_{1\epsilon\sigma\zeta} + \tau_{2uzl}^{-1} N_{2\epsilon\sigma\zeta},$$

бунда  $\tau_{1uzl}^{-1}$  ва  $\tau_{2uzl}^{-1}$  – мос равишда биринчи ва иккинчи марказларнинг нурланиш билан ўтиши тезликлари,  $N_{1\epsilon\sigma\zeta}$  ва  $N_{2\epsilon\sigma\zeta}$  – биринчи ва иккинчи турдаги уйғонган марказлар сони.

Катодолюминесценцияси ҳолида электронлар модда билан сирт ости қатламидаги  $V=SR_{max}$  ҳажмда ўзаро таъсирлашадилар, бу ерда хусусий уйғонган атомлар сони  $N_{1\epsilon\sigma\zeta\delta}$  уйғонган активатор атомлари сони  $N_{2\epsilon\sigma\zeta}$  дан бир неча даража ортиқ бўлади, яъни  $N_{1\epsilon\sigma\zeta\delta} \gg N_{2\epsilon\sigma\zeta}$ , бу ҳолатда люминесценция интенсивлигини аниқловчи ифода қуйидаги кўринишга келади:

$$I = \tau_{1uzl}^{-1} N_{1\epsilon\sigma\zeta\delta}.$$



**10-расм. Легирланмаган (1) ва  $Eu^{2+}$  билан легирланган (2,3) BaFI кристалларининг хона ҳароратидаги рентгенолюминесценция (1, 2) ва катодолюминесценция (3) спектрлари**

Бундан, активаторларнинг унча катта бўлмаган концентрацияларида асосан хусусий марказларнинг (яъни АЛЭларнинг) люминесценцияси кузатилади,

деган хулоса келиб чиқадики, бу хулоса тажрибаларда олинган натижалари билан тасдиқланади.

Гамма квантлар электр зарядига эга эмас ва улар узоқдан таъсирлашувчи Кулон кучлари таъсирига учрамайди. Шу туфайли улар модда орқали ўтганида электронлар ва ядролар билан нисбатан кам миқдорда тўқнашишади ва ўз йулидан жуда кам миқдорда оғади, яъни амалда дастадан чиқиб кетмайди. Иккинчидан, улар тинчликдаги массага эга эмаслар, ёруғлик тезлигидан фарқли тезликка эга бўлмайдилар. Шу сабабли улар муҳитда тезлигини камайтира олмайдилар. Уларнинг энергияси моддада ўзгармайди, аммо интенсивликлари камаяди. Агар зарядланган заррачалар билан нурлантирилганда модданинг юпқа сирт қатлами ионлашса, гамма квантлар билан нурлантиришда модданинг бутун қалинлиги ионлашади. Шу сабабли ГЛ(гаммалюминесценция) ва РЛ(рентгенюминесценция) жараёнида нурлантирилувчи модданинг бутун ҳажми уйғотилади ва уйғотилган хусусий марказлар миқдорининг уйғотилган активатор марказларига нисбати деярли бир хилда сақланади. Бунда активаторланинг нисбатан кичик концентрацияларида люминесценция спектрларида ҳам хусусий марказларнинг, ҳам активатор марказларнинг люминесценцияси кузатилади. Активаторлар концентрацияси ошиши билан кристалл асосидан активатор марказларига энергия узатиш эҳтимоли ортадиганлиги сабабли, активаторларнинг маълум концентрациясидан (масалан, ВаFІ кристалларида  $\text{Eu}^{2+}$  ионлари учун  $\geq 5\%$ дан) бошлаб ГЛ ва РЛ спектрларида фақат активатор люминесценциясигина кузатилади.

## ХУЛОСА

